

35 Ягона Ватан,
ягона халқ, бўлиб,
янги ҳаёт ва
келажак яратамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA № 24 (1592)

2026-YIL 19-IYUN, JUMA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat



«АДОЛАТ» ВА ГЕОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ:

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда «Ўзбек геология қидирув» акциядорлик жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. Ҳужжат икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, геология-қидирув соҳасида жамоатчилик назоратини кучайтириш, ер қаъри бойликларидан оқилона фойдаланиш ҳамда соҳа ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



табiiй
бойликлардан
оқилона
фойдаланиш,
экологик
масъулият
ва ижтимоий адолат
йўлида муҳим қадам



олиб
борган
ирода

Президентимиз терма жамоамизнинг руҳини кўтарди:

Футболчиларимиз жуда катта тажрибали жамоага қарши кучли характери кўрсатди. Биз учун биринчи жаҳон чемпионатида биринчи голимиз – бу ҳам ғалаба.

Мактаб ўқувчилари учун
жамоат транспорти
БЕПУЛ БЎЛИШИ КЕРАК



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ —



ПАРТИЯ ВА АҲОЛИ
ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧ КЎПРИГИ

Ишчи гуруҳ куйи бўғинлар фаолиятини янада жонлантириш, партия сафига ёш, ташаббускор ва фаол кадрларни жалб этиш, партия аъзолари билан манзилли ишлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотлар кўламини кенгайтириш, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлашда таъсирчан механизмлардан фойдаланиш ҳамда партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.



РАҚАМЛИ
ДАВЛАТ МОДЕЛИ
ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Кўпчилик бу вазифани янги ташкил этилган Рақамли технологиялар вазирлиги бажаради, деб ўйлайди. Бироқ вазирликнинг низом ва вазифаларини синчиклаб таҳлил қилсак, у ерда асосан техник ишлар — интернет инфратузилмасини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» дастурларини жорий этиш каби функциялар борлигини кўрамыз. Аммо уларнинг ваколатида инсон ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қилиш ёки фуқароларнинг бу борадаги шикоятларини кўриб чиқиш механизми кўзда тутилмаган.

ШИРКАТ
фақат пул
йиғадими?



«АДОЛАТ» ВА ГЕОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ:

табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, экологик масъулият ва ижтимоий адолат йўлида муҳим қадам

1 Меморандум Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги ҳамда “Ер қазри тўғрисида”ги қонулар, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асосида ишлаб чиқилди.

Маълумки, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, ер қазри бойликларини асраб-авайлаш ва соҳада замонавий ёндашувларни жорий этиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу жараёнда соҳавий ташкилотлар билан бир қаторда сиёсий партиялар, жамоатчилик институтлари ва фуқаролик жамияти вакилларининг фаол иштироки ҳам алоҳида ўрин тутadi.

Ҳужжатда геология-қидирув ва ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасида қонун ижросини таъминлаш, экологик хавфсизлик масалаларига масъулият билан ёндашиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш устувор вазифа сифатида

белгиланди. Бу, ўз навбатида, “Адолат” партиясининг ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва экологик барқарорликни таъминлашга йўналтирилган дастурий мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.

Ҳамкорлик доирасида соҳа ходимларининг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва малакали кадрларни рағбатлантириш ҳам муҳим вазифалар қаторига киритилди.

Айни пайтда фаол ёшлар, муҳандис-техник ходимлар, соҳа фахрийлари ва юқори малакали мутахассисларнинг жамоатчилик ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, уларни иштироки асосида партия сафига жалб этиш кўзда тутилгани эътиборга молиқ.

Бундан ташқари, “Ўзбек геология қидирув” АЖ ҳамда унинг ҳудудий филиаллари, экспедициялари ва бўлинмаларида партиянинг бошланғич ташкилотларини тузиш режалаштирилмоқда. БПТлар жойларда партиянинг аҳоли ва меҳнат жаомалари билан бевосита мулоқотини кучайтириш, соҳа вакилларини

нинг ташаббус ва таклифларини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни қонун асосида ҳал этишга қўмаклашди.

Меморандумда қонун ижодкорлиги йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, соҳада илғор хорижий тажрибани ўрганиш, уни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнига соҳа мутахассисларини жалб этиш белгиланди. Бу қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалийлиги ва соҳадаги реал эҳтиёжларга мослигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан республика ҳамда халқаро миқёсда конференциялар, семинар-тренинглр, давра суҳбатлари ва форумлар ташкил этиш мўлжалланган. Бундай мулоқот майдонлари соҳа мутахассислари, депутатлар, экспертлар, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари ўртасида очик фикр алмашиш ҳамда амалий ечимларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Меморандумни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси номидан Сиёсий Кенгаш раиси ўринбосари Озода Парпибоева, “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти номидан бошқарув раиси Шамсиддин Алимов имзолади.

Шунингдек, Меморандум доирасида “Адолат” СДПга аъзо бўлиш истагини билдирган бир гуруҳ “Ўзбек геология қидирув” АЖ ходимлари партияга қабул қилинди ва уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Ўз ўрнида, партия аъзоси бўлган жамият ходимларидан иборат бошланғич партия ташкилоти(БПТ) тузилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳамкорлик геология соҳаси вакилларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш маданиятини юксалтириш, экологик масъулиятни мустаҳкамлаш ҳамда адолат ғоялари асосида фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Муносабат



Зухриддин МАВЛОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Фракция ййгилиши Суд жараёнларида АДВОКАТНИНГ РОЛИ ВА ТАЪСИРИ ОШИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси ййгилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд иш юритувида тарафларнинг тортишув ва тенг ҳуқуқлилиги принципини таъминлаш, адвокатларнинг профессионал фаолиятини амалга ошириш, бу борада халқаро стандартларни миллий қонунчиликка акс эттиришга қаратилган муайян ишлар амалга оширилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал кодекси ва “Адвокатура тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Лойиҳага кўра, жиноят иши судга фақат айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси

билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга киритилиши белгиланмоқда.

Ҳужжат билан ҳимоячига дастлабки тергов ёки суриштирув аяқуланганидан кейин беш сутка ичида “ҳимоя фикри”ни тақдим этиш ҳуқуқи берилиши ҳам назарда тутилмоқда. Ҳимоя фикрида айбловга муносабат, далиллар, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, судга қақирилиши сўралаетган шахслар ва бошқа фикрлар акс эттирилиши мумкин.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари Беҳзод Тўхтамуродов, Зухриддин Мавлонов ва бошқалар қонун лойиҳасининг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар беришди.

Шунингдек, бир қатор таклифлар ҳам билди-

рилди. Мутасаддилар кўтарилган барча саволлар батафсил тушуниришлар бериб, берилган таклифлар лойиҳани такомиллаштиришда эътиборга олинишини маълум қилдилар.

– Мазкур қонун лойиҳаси суд-ҳуқуқ тизимида томонларнинг тортишув ва тенг ҳуқуқлилиги принципини янада кучайтириш, адвокатларнинг процессуал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган, – дейди фракция аъзоси З.Мавлонов. – Шу сабабли ййгилишида партиямиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларимизни бердик. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида суд жараёнларида тортишув принципи мустаҳкамланади, адвокатнинг роли ва таъсири ортади.

Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ – ПАРТИЯ ВА АҲОЛИ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧ КЎПРИГИ

Ҳар қандай сиёсий партиянинг жамиятдаги нуфузи ва таъсир доираси, энг аввало, унинг қўйи бўғинлари – бошланғич партия ташкилотларининг фаоллиги билан ўлчанади. Айнан БПТлар аҳоли билан партия ўртасидаги бевосита мулоқот кўприги, жойлардаги муаммо ва ташаббусларни партия даражасига олиб чиқувчи муҳим бўғин ҳисобланади.

“Адолат” социал-демократик партиясининг 2026 йилга мўлжалланган Иш режасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, қўйи бўғинлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда партиявий ишларнинг жойлардаги ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Озода Парпибоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳридаги қатор туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ўрганди.

Ўрганиш жараёнида БПТларда ташкилий ишларнинг йўлга қўйилиши, ҳужжатлар юритилиши, партия аъзолари билан тизимли ишлаш, партия сафига янги аъзоларни жалб этиш, аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда қабул қилинган партиявий қарорлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинди.

Жумладан, ишчи гуруҳ партиянинг Сергели туман кенгаши ва ҳудуддаги қатор бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ўрганди. Абу Али ибн

Сино номидаги Сергели жамоат саломатлиги техникуми қoшидаги БПТда партия аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ҳамда партия ғояларини таълим муассасаси жамоаси ва ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш борасидаги ишлар ўрганилди.

Шунингдек, тумандаги “Маданият” маҳалла фуқаролар ййигини қoшидаги бошланғич партия ташкилоти фаолияти ҳам таҳлил қилинди. Бунда маҳалла аҳолиси билан очик мулоқотлар ташкил этиш, фуқароларни қийнаётган ижтимоий масалаларни ўрганиш ва уларнинг ечимида партиянинг амалий иштирокини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшлар билан манзилли ишлаш борасидаги фаолиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудуддаги 12-оилавий поликлиника қoшидаги БПТ фаолияти юзасидан ҳам ўрганиш ўтказилди. Унда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ўртасида партия нуфузини ошириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган тарғибот тадбирларини ташкил этиш ҳамда тиббиёт ходимларининг

жамоатчилик ишларидаги иштирокини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ишчи гуруҳ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида ҳам партиявий ишларнинг ҳолатини таҳлил қилди. Хусусан, туман Санитария-эпидемиологик оқойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотининг фаолияти, ҳужжатлар юритилиши, партия аъзолари билан ишлаш тизими, янги аъзоларни жалб этиш ҳамда партия қарорлари ижросини таъминлаш борасида ишлар ўрганилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ташкилот аъзолари муассаса ходимлари ўртасида партия ғояларини тарғиб этиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Айниқса, санитария-эпидемиологик оқойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида фаолият юритаётган партия аъзоларининг аҳоли ўртасида профилактик маданиятни кучайтириш, соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб қилиш ва жамоат саломатлигига оид тушунириш ишларида иштирок этиши партиянинг ижтимоий адолат, инсон саломатлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига қаратилган дастурий мақсадлари билан ҳамоҳанг экани таъкидланди.

Ўрганишлар давомида пойтахтдаги бошланғич партия ташкилотлари партиявий ишларни ташкил этиш, аъзо-

лар фаоллигини ошириш, аҳоли билан мулоқотни кучайтириш ва ҳудудларда партия ғояларини тарғиб қилиш йўналишида муайян ижобий натижаларга эришяётгани кайд этилди.

Шу билан бирга, ишчи гуруҳ қўйи бўғинлар фаолиятини янада жонлантириш, партия сафига ёш, ташаббускор ва фаол кадрларни жалб этиш, партия аъзолари билан манзилли ишлаш, аҳоли билан очик мулоқотлар қўламини кенгайтириш, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлашда таъсирчан механизмлардан фойдаланиш ҳамда партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Ўрганишлар давомида, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш, ҳужжатлар юритилишида тизимлиликти таъминлаш, тарғибот тадбирлари қамровини кенгайтириш ва партиявий ташаббусларнинг амалий натижадорлигини ошириш зарурлиги алоҳида кайд этилди.

Таъкидланганидек, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини фаол ва самарали ишлаши аҳоли билан партия ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, мавжуд муаммоларга амалий ечим топиш ҳамда “Адолат” СДПнинг дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Гиёҳвандлик инсоният дуч келаётган энг хавфли ижтимоий офатлардан бири ҳисобланади. Бу иллат бир қарашда алоҳида одамнинг муаммосидек кўринса-да, аслида унинг оқибатлари бутун жамиятга таъсир кўрсатади. Зеро, гиёҳвандлик инсон саломатлигини емирибгина қолмай, оилаларни пароканда қилади, ёшларнинг орзу ва мақсадларини барбод этади. Жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлиб, мамлакатнинг интеллектуал ва демографик салоҳиятига жиддий зарар етказди.

СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ҲИМОЯСИ ЁХУД

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ



Зухриддин МАВЛОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Бугунги глобаллашув шароитида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси трансмиллий жиноятчиликнинг энг хавфли кўринишларидан бирига айланиб бормоқда. Айниқса, синтетик наркотикларнинг пайдо бўлиши ва интернет орқали тарқатиш усулларининг кенгайиши бу таҳдидни янада кучайтирмоқда. Шу сабабли дунёнинг қўллаб-қувватлари қаторида Ўзбекистон ҳам наркoжoиoтчиликка қарши курашиш сиёсатини янги бoсқичга олиб чиқмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2026 йил 11 июнда имзолаган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шу эҳтиёж ва замон талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳужжат гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий механизмларни тубдан такомиллаштириб, давлатнинг бу соҳадаги қатъий позициясини яна бир бор намоён қилди.

Қонуннинг энг муҳим янгиликларидан бири Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар” деб номланган алоҳида бoбнинг ташкил этилганидир. Бу ҳуқуқий ёндашув гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга мутлақо янги баҳо берилаётганини кўрсатади. Энди мазкур қилмишлар фақат жамоат хавфсизлигига қарши жиноят сифатида эмас, балки миллат саломатлиги ва келажақ авлод тақдирига қарши таҳдид сифатида баҳоланмоқда.

Мазкур бoбга аввалдан мавжуд бўлган 16 та модда билан бир қаторда, аҳоли саломатлигига ўта хавфли бўлган янги жиноят таркиблари ҳам киритилди. Бу эса гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш давлат сиёсатида алоҳида устувор аҳамият касб этаётганини аңглатади.

Сўнгги йилларда синтетик наркотиклар билан боғлиқ жиноятлар сони ортиб бораётгани кузатилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда тарқалаётган қўллаб синтетик наркотиклар айнан яширин наркoлабoрaтoрияларда тайёрланмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фақат сўнгги тўрт ойнинг ўзида мамлакат ҳудудида 14 та наркoлабoрaтoрия фаoлияти фoш этилган. Бу рақамнинг ўзиёқ хавфнинг қўламини кўрсатиб турибди.

Шу муносабат билан қонунчиликка ғайриқонуний наркoлабoрaтoрия ташкил этиш ва унинг фаoлиятини таъминлаш учун алоҳида жиноий жавoбгaрлик киритилди. Бундай қилмишлар учун 5 йилдан 20 йилгача oзoдликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Бу норма наркотикларни тарқатувчиларга эмас, балки уларни ишлаб чиқарувчи ва жиноий занжирнинг асосий бўғинини ташкил этувчи шахсларга қарши курашиш имконини беради.

Тажриба шуни кўрсатадики, йирик наркoжoиoтлар айрим ҳoлларда коррупцион oмиллар билан боғлиқ бўлади. Айрим мансабдор шахсларнинг хизмат вақoлатларидан фoйдaлaниб жиноятчиларга қўмақлашиши ёки улар ҳақидаги маълумотларни яшириши жамият учун икки қарра хавф тудиради.

Шу сабабли қонун билан мансаб вақoлатларини суиистеъмoл қилиш oрқали наркотик воситаларнинг ноқонуний муoмaласига ҳoмийлик қилиш, раҳнамолик қилиш ёки бундай жиноятлар фoш бўлишининг oлдини олиш мақсадида oлдиндан хабар бермаганлик учун ҳам 5 йилдан 20 йилгача oзoдликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Бу давлатнинг наркотик бизнеси билан боғлиқ ҳар қандай коррупцион муносабатларга нисбатан мурoсacиз сиёсат юритаётганини аңглатади.

Гиёҳвандликнинг тарқалишида бангхононалар алоҳида ўрин тутadi. Бундай жойлар нафақат наркотик воситалар истеъмoл қилинадиган муҳит, балки янги истеъмoлчилар жалб қилинадиган ва бошқа жиноятлар содир этиладиган хавфли нукталар ҳисобланади.

Ҳужжат билан гиёҳвандлик воситалари ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмoл қилиш ва тарқатиш учун бангхонона ташкил қилиш ёки сақлаш учун 3 йилдан 12 йилгача oзoдликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам назарда тутилди. Бу oрқали наркотиклар тарқалиши учун шарoит яратиётган шахсларга қарши таъсирчан ҳуқуқий тўсиқ яратилишига сабаб бўлади.

Гиёҳвандликнинг энг oғир oқибатлари, аввало, ёшлар ҳаётида намоён бўлади. Наркотик моддалар таъсирига тушиб қoлган ёш қўпична таълимдан узоқлашади, меҳнат бозорига рақoбатбарoшлигини йўқoтadi ва жиноятчилик муҳитига кириб қoлади. Шунинг учун ҳам янги қoнунда ёшлар ва вoяга етмаганларни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Эндигиларда вoяга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмoл қилишга жалб этилиши учун тўғридан-тўғри жиноий жавoбгaрлик белгиланди. Бундан ташқари, таълим муассасалари, талабалар ётoқxoналари, бoлaлар oрoмoқxoлари ёки уларга туташ ҳудудларда наркотик ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмoл қилишга жалб қилиш учун 5 йилдан 10 йилгача oзoдликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавoбгaрлик тўғрисидаги кодексга ҳам муҳим ўзгартиш киритилди. Эндигиларда гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни жамоат жойларида истеъмoл қилиш билан қўшун 15 суткагача маъмурий қaмoқ жазоси белгиланди. Чунки аҳоли кўз ўнгига наркотик моддалар истеъмoл қилиниши бошқаларга, айниқса, ёшларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса ғайриижтимоий ҳулқ-атворнинг oммaлaшишига сабаб бўлади.

Таҳлиллар сўнгги йилларда наркoжoиoтлар бўйича тақорий ҳуқуқбузарликлар кўпайганини кўрсатади. Айрим ҳoлларда маҳкумлар жазo муддатининг яъридан ҳам кам қисmini ўтaб, oзoдликка чиққан ва қисқа вақт ичида яна жиноят содир этган.

Маълумотларга кўра, сўнгги тўрт йил давомида наркoжoиoтларни тақоран содир этган шахслар сони 125 фoизга oшган. Шу бoис айрим ўта oғир наркoжoиoтлар учун муддатидан илгари шартли oзoд қилиш тартиби қўлланилмаслиги белгиланди. Шунингдек, наркотикларни кўп миқдорда ўтқизиш билан боғлиқ жиноятлар учун жазo чoрaлари янада кучайтирилди.

Хулoса ўрнида айтганда, қонун мамлакатимизда наркoжoиoтчиликка қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатни янги бoсқичга олиб чиқмоқда. У нафақат жазoларни oғирлаштириш, балки жиноятларнинг oлдини олиш, аҳоли салoмaтлilлигини муҳофаза қилиш, миллат гeнoфoндини асраш ва ёшларни хавфли таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ёндашувни ўзида мумассас этган. Энг муҳими, ушбу ҳужжат жамиятга муҳим синал бeрмoқда: иёҳвандлик ва наркoжoиoтчиликка нисбатан мурoсacиз муносабат давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Қорақалпоғистон Республикаси:

ИШОНЧ, ТАШАББУС ВА АМАЛИЙ НАТИЖА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини янада тақомиллаштириш, фуқаролар билан очиқ мулоқотни кучайтириш ҳамда жамият ҳаётида уларнинг ролини ошириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнларда партия ташкилотларининг ҳудудлардаги фаоллиги ва ташаббускорлиги муҳим ўрин тутмоқда.

2025 йил давомида “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ҳудудларда 36 та янги бошланғич партия ташкилоти ташкил этилиб, 13 553 нафар фуқаро партия сафига қабул қилинди. 2026 йилнинг бугунги кунига қадар эса 3 020 нафар янги аъзо партия сафига қўшилди. Бу кўрсаткичлар ҳудудларда партияга бўлган ишончнинг ортиб бораётганини, фуқароларнинг сиёсий жараёнларга қизиқиши ва фаоллиги юксалаётганини яққол намоён этади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда партия

аъзолари сони 83 825 нафарни ташкил этиб, улар 493 та бошланғич партия ташкилотларига бирлашган. Аъзоларнинг 55 фоизи хотин-қизлар бўлиб, бу кўрсаткич жамиятда гендер тенглиги ва аёлларнинг сиёсий фаоллиги ортиб бораётганидан далолат беради. Шунингдек, 35 206 нафар ёшлар партия сафига фаол иштирок этиб, ёш авлоднинг сиёсий жараёнлардаги ўрни кенгаёётганини кўрсатмоқда.

Партия томонидан амалга оширилган лойиҳалар жамият ҳаётининг турли йўналишларини қамраб олди. Хусусан, ҳуқуқий саводхонлики

ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, таълим сифатини яхшилаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш йўналишларида изчил ишлар олиб борилди. Партия фаолиятининг очиклиги ва жамоатчилик билан мулоқотга алоҳида эътибор қаратилди. Амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилиб, аҳолининг хабардорлиги оширилди. 2026 йил жорий даврида ҳам бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, 594 та тadbир орқали 11 мингдан ортиқ фуқаро қамраб олинди.

Депутатлик фаолияти доирасида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Йил бошидан буён 172 та депутатлик сўрови тегишли ташкилот ва идораларга юборилди. Ушбу сўровлар орқали фуқароларнинг долзарб муаммолари кўтарилиб, уларнинг ечими бўйича аниқ чоралар қўрилмоқда.



Халқ билан мулоқот қилиш, фуқаролар муурожаатларини ўрганиш ва уларнинг кундалик ҳаётида учраётган муаммоларни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, аҳолини ичимлик суви, электр энергияси, йўл ва бошқа муҳим инфратузилма объектлари билан таъминлаш масалалари доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

НАМУНАЛИ ТУМАН КЕНГАШИ

Бугунги кунда “Адолат” СДП Амударё туман кенгаши сафига 7 минг 877 нафар аъзо бор. Партия аъзолари ҳудудлар кесимида ташкил этилган 39 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган бўлиб, улар аҳоли билан ишлаш, фуқароларнинг муаммо ва тақлифларини ўрганиш, партия гоёлари ва дастурий мақсадларини тарғиб қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари жойларда партиянинг таянч бўғини сифатида фаолият юритиб, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимига кўмаклашиш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда. Айнан ушбу тузилмалар орқали партия билан фуқаролар ўртасидаги мулоқот мустаҳкамланиб, аҳолини қийнаётган долзарб масалалар ўрганилмоқда.

Халқ депутатлари Амударё туман Кенгашида партиянинг 6 нафар депутатдан иборат депутатлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Депутатлар ўз ваколатлари доирасида сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган масалаларни илгари суриш ҳамда ижро органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Жорий йил бошидан буён депутатлик гуруҳи томонидан 14 та депутатлик сўрови киритилгани бу борадаги ишларнинг амалий ифодасидир. Мазкур сўров



ЁШЛАР ҲАМИША ФАОЛ

Эльяр ЖАДИГЕРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши
“Ёш адолатчилар”
ҳаракати Кенгаши раиси

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида партия аъзолари сони 83 825 нафарни ташкил этиб, шулардан 35 206 нафарини ёшлар ташкил этади. Бу кўрсаткич ёш авлоднинг партия сафидаги иштироки изчил ортиб, уларнинг сиёсий жараёнлардаги ўрни тобора кенгайиб бораётгани ва жамият ҳаётида фаол иштирок этаётганини яққол намоён этмоқда.



Мазкур муурожаат Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесигадаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Урингул Аллабергенова томонидан назоратга олиниб, муаммони жойида ўрганиш мақсадида ҳудудга чиқилди. Ўрганишлар давомида аҳоли билан суҳбат ўтказилиб, мавжуд ҳолат таҳлил қилинди ҳамда муаммони ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар иштирокида амалий чоралар белгилаб олинди.

Шундан кейин депутат ташаббуси билан “Қорақалпоқ сув таъминоти” акциядорлик жамиятининг Тўрткўл тумани бўлими масъуллари иштирокида масала атрофлича муҳокама қилинди, ҳудудда ичимлик суви тармоқларини кенгайтириш ишларини амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида “Яшнобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Интизор” кўчасига 1,4 километр узунликдаги янги ичимлик суви қувурлари ётқизилди. Қурилиш-монтаж ишлари белгиланган муддатларда ва сифат талабларига мувофиқ бажарилиб, сув тармоғи фойдаланишга топширилди.

Натижада 44 та хонадон тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминланди. Бу эса нафақат аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш, балки уларнинг турмуш даражаси ва саломатлигини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Яшнобод” маҳалласи аҳолиси кўтарган мазкур муаммонинг ижобий ҳал этилгани халқ билан мулоқот, муурожаатларга эътибор ва амалий ишлар ўз самарасини бераётганининг яна бир ёрқин намунасидир.

тон Республикаси Жўқорги Кенгесига Амударё туманидаги 34-сонли “Ўзбекистон” сайлов округидан сайланган депутат Каммуна Ирисбекова томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайлида 8 та депутатлик сўрови чиқарилган. Қувонарлиси, ушбу сўровларнинг 5 таси ижобий ҳал этилиб, фуқаролар муурожаатларида кўтарилган қатор масалаларнинг амалий ечим топишига эришилган. Бу эса депутатлик фаолиятининг нафақат қонунчилик ташаббуслари билан, балки аҳолининг кундалик ҳаётида учраётган муаммоларни бартараф этиш орқали ҳам самарали ташкил этилаётганини кўрсатади. Сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказиш, муурожаатларни ўрганиш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш депутатларнинг асосий фаолият йўналишларидан бирига айланган.

Ташаббускорлиги ва жонқуярлиги учун халқ депутатлари Амударё туман Кенгаши депутати, партия фаоли Мансур Уразбаев партия Сиёсий Кенгашининг қарорига мувофиқ “Адолат” кўрак нишони билан тақдирланди. Ушбу мукофот унинг партия фаолиятидаги ташаббускорлиги, сайловчилар билан самарали ишлаши, ҳудуддаги ижтимоий масалаларни ҳал этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда партия гоёларини кенг тарғиб этишдаги хизматларининг муносиб эътирофи бўлди.

ТАШАББУСКОР ЕТАКЧИ

Элликқалъа тумани 66-сон умумий ўрта таълим мактабида 2024 йилда ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ҳам бугунги кунда ўз фаолиятини тизимли ва самарали тарзда йўлга қўйиб, жамоада сиёсий-маърифий ишларни ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги кунда БПТ таркибида 23 нафар аъзо фаолият юритиб, улар жамиятда сиёсий маданиятни юксалтириш, ташаббусларни илгари суриш, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш ҳамда мактаб жамоаси билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш йўналишида фаоллик кўрсатмоқда.

Бошланғич партия ташкилотига кўп йиллик таърибага эга, бир неча бор халқ депутатлари туман Кенгашига депутат этиб сайланган Камелия Йўлдошева раҳбарлик қилади. У ўз фаолияти давомида фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этиш, ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.



БПТ фаолияти доирасида мактаб жамоаси ва ёшлар ўртасида мунтазам равишда сиёсий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ва тарғибот тадбирлари ташкил этиб келинмоқда. Ушбу тадбирлар орқали партия гоёлари кенг тарғиб этилиб, аъзолар ва ёшларнинг сиёсий саводхонлиги, таҳлилий фикрлаш қобилияти ҳамда ижтимоий фаоллиги оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Элликқалъа тумани 66-сон умумий ўрта таълим мактабида бошланғич партия ташкилоти фаолияти ва таълим-тарбия жараёнлари ўзаро уйғунликда ривожланиб бормоқда. Бу эса ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.

ЎҚУВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

Фуқароларнинг муурожаатларини ўрганиш, уларнинг муаммоларига ечим топиш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш депутатлик фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, болалар хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар доимо эътибор марказида бўлиб келмоқда.



Халқ депутатлари Беруний туман Кенгаши депутати Мирхан Калимбетова фуқаролар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласида муурожаат қилиб тушди. Муурожаатда Беруний тумани “Павлаш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 9-сонли умумтаълим мактаби олдида ўтувчи автомобиль йўлида транспорт воситалари ҳаракатининг юқори даражада экани, бу эса мактаб ўқувчиларининг йўлни кесиб ўтишда қатор нуқотлайликлар ва хавфли вазиятларни келтириб чиқараётгани таъкидланган.

Мазкур муурожаат депутат томонидан назоратга олиниб, жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Олиб борилган ишлар натижасида мактаб олдидаги серкаторв йўл қисмига замонавий светофор ўрнатилди ҳамда йўл ҳаракатини тартибга солишга қаратилган зарур чоралар амалга оширилди. Натижада пёёдалар, айниқса, мактаб ўқувчилари учун хавфсиз ва қулай шароит яратилди.

Ҳудудда яшовчи фуқаролар, ота-оналар ва маҳалла фаоллари амалга оширилган ишларни мамнуният билан қарши олиб, фарзандлар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун депутат Мирхан Калимбетовага ҳамда масъул ташкилотлар вакилларига ўз миннатдорликларини билдиришди.

туал салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Партия ёшлар сиёсати тизимида “Ёш адолатчилар” қаноти алоҳида ўрин тутди. Ушбу тузилма ёшларни партия фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, сиёсий жараёнларда иштирокини кучайтириш ҳамда етакчилик қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Шу мақсадда тизимли равишда учрашувлар, тренинглар ва муҳокамалар ташкил этилиб, ёшларнинг фикр ва тақлифлари доимий равишда ўрганиб боришмоқда.

Қувонарлиси, партия аъзолари орасида турли соҳаларда юқори натижаларга эришган, иқтидорли ва ташаббускор ёшлар бўлиб, уларнинг ютуқлари алоҳида эътирофга лойиқдир. Жумладан, 3 нафар “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти соҳибалари бўлган иқтидорли қизлар ҳамда республика ва халқаро спорт мусобақаларида голиб ва

свориндор бўлган 10 нафар ёш спортчилар партия аъзоси сифатида фаол иштирок этиб келмоқда.

Хусусан, “Биз зўравонликка қаршимиз!” шиори остида ўтказилган тарғибот тадбирлари орқали ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятини ошириш, зўравонликнинг олдини олиш, оила ва жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш борасида муҳим тушунтириш ишлари олиб борилди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар билан ишлаш йўналишида амалга оширилаётган тизимли ишлар мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг жамиятда фаол фуқаролик позициясини эгаллаши ҳамда келажақда мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиши ёшлар салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга мустаҳкам замин яратди.



РАҚАМЛИ ДАВЛАТ МОДЕЛИ

Авваллари бюрократиянинг салбий таъсири туфайли бир парча қоғозга қўйиладиган имзо ёки муҳр учун қанчалик сарсон бўлганимиз, соатлаб идоралар йўлакларида вақтимизни совурганимиз бор гап. Бир идоранинг эшигидан кириб, иккинчисидан қувилишлар, “бугун боринг, эртага келинг” қабилидаги масъулиятсизликлардан чарчаганимизда, давлатга, адолатга бўлган ишончимизга путур ҳам етган. Хўш, бугун вазият қандай ўзгарди ва рақамли давлат тамойили бизга аслида нима учун керак?

Саидакмал МАМАСОЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти фаоли,
Тошкент давлат юридик университети талабаси,
“Юксалиш” ҳаракати аъзоси

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий соҳалар қатори давлат бошқаруви ва хизматлар йўналишида рақамлашиш ҳамда ахборот технологиялари кенгаётгани ва бу кундалик ҳаётимизда ўз самарасини бераётгани ҳеч биримизга сир эмас. Аслида рақамли тизим моҳияти ҳам вақт ва маблағни тежашдан иборат ва у давлат томонидан фуқарога хизмат кўрсатишнинг энг қисқа ва шаффоф механизми ҳисобланади. Келинг, шу ўринда тарихга, ўша даврда тасаввур қилинган давлатнинг рақамли воқеликка бўлган заруратига назар солсак.

Инглиз мутафаккири Жон Локк давлат деганда маълум бир ҳукмдор ёки тузумни эмас, балки “одамларнинг эркин уюшмаси”ни тушунган. Немис файласуфи Иммануил Кант эса: “**Давлат – кимдир сотиб оладиган ёки эгаллик қиладиган ер-мулк эмас, аксинча, кишиларнинг ўзи ҳужайинлик қилиб, ўзини ўзи бошқарадиган жамиятидир**”, деб ёзган эди. Агар эътибор берсак, бу назарияларнинг замирида биргина мақсад бор: давлат одамлар учун хизмат қилиши керак. XXI асрга келиб, бу аънаваный тушунчалар тубдан янгиланди. Энди давлат деганда, фақат чегара, армия ва қонуларни эмас, балки фуқарога уйдан чиқмай туриб хизмат кўрсатадиган рақамли хизматлар қанчалик тез ва қулай ишлаши билан ўлчанмоқда. Демак, рақамли давлат ҳам фаолият функциялари оддий ва тушунарли компьютер дастурлари, мобил иловавлар орқали амалга ошириладиган, халқ ва ҳокимият ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлайдиган замонавий бошқарув модели саналади. Ил-

лий манбалар ва халқро тажрибага таянадиган бўлсак, бугун пойдевори қўйилаётган рақамли давлат модели учта муҳим тамойилга асосланади. **Биринчиси** – **экстерриториаллик**, яъни **давлат хизматлари кўрсатишда ҳудудий чегараларнинг аънаваный маъносини йўқотиши. Бу нима дегани? Илгари Хоразмда туғилган ёки рўйхатда турган фуқаро арзимаган бир маълумотнома ёки гувоҳнома олиш учун юзлаб чакирим йўл босиб, ўз вилоятига боришга мажбур эди. Бугун эса юртимизнинг исталган чеккасида, ҳатто дунёнинг бошқа бурчаги – хоржидда яшаб туриб ҳам давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш мумкин.**

Иккинчиси – **оммавий ҳокимиятнинг техник трансформацияси. Бунда нафақат иш юритиш қўзғабозлиқдан ҳалос бўлади, балки давлат хизматчиларининг дунёқараши, фикрлаши ва иш услуби тубдан янгиланади. Тезкорлик ва натижадорлик бош мезонга айланади.**

Учинчиси – **ахборот суверенитети ва хавфсизлик. Илмий адабиётларда (хусусан, тадқиқотчи Е.Г.Зорина ишларида) таъкидланганидек, бу жараён кучли миллий ҳуқуқий база ва миллий дастурий таъминотнинг мавжудлиги билан беvosита боғлиқ.**

Маълумотларимиз рақамлашар экан, давлат ўз фуқароларининг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ташқи кибертаҳдидлардан ҳимоя қила олиши шарт. Бугун инсоният ҳаётида инсон ҳуқуқларининг янги, бешинчи авлоди – “рақамли ҳуқуқлар” шаклланимоқда. Шу ўринда савол туғилади: агар виртуал маконда рақамли ҳуқуқларимиз бузилса ёки шахсий маълумотларимиз хавф остида қолса, кимга арз қилишимиз керак? Бош қомусимизнинг 33-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз

ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?



ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга экани, исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи кафолатланиши ҳамда давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш учун шарт-шароит яратиши қатъий муҳрлаб қўйилган.

Қўлчиллик бу вазифани янги ташкил этилган Рақамли технологиялар вазирлиги бажаради, деб ўйлайди. Бироқ вазирликнинг низом ва вазифаларини синчиклаб таҳлил қилсак, у ерда асосан техник ишлар – интернет инфратузилмасини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” дастурларини жорий этиш каби функциялар борлигини кўрамыз. Аммо уларнинг ваколатида инсон ҳуқуқларини беvosита ҳимоя қилиш ёки фуқароларнинг бу борадаги шикоятларини қўриб чиқиш механизми кўзда тутилмаган.

Халқро тажрибага назар ташласак, ривожланган давлатларда фуқароларнинг рақамли ҳуқуқларини институционал даражада ҳимоя қилувчи мустақил тизимлар – Маълумотларни ҳимоя қилиш органлари (Data Protection Authorities) ёки рақамли омбудсманлар фаолият юритади.

Бугун рақамли давлат пойдеворини сунъий интеллект технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яқинда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг саммитида Президентимиз ўшбу мавзуда жуда теран ва миллий ғуруримизни уйғутувчи ҳақиқатни баён қилдилар: **“Ўлкаларимизда яшаб, ижод қилган улуг боболаримиз – Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек алгоритм, математика, астрономия ва физика фанлари равнақиға беқибс ҳисса қўшиб, шу тариқа ҳозирги сунъий интеллект ривожини учун асос яратганлар. Биз аждодларимизнинг ана шундай бебаҳо меросига таяниб, бугун Туркий дунёнинг янги рақамли тараққиёт даврини барпо этияпмиз.”**

Давлат раҳбари ўшбу нуфузли анжуманда минтақавий рақамлаштириш янги босқичга олиб чиқувчи 5 та муҳим ташаббусни илгари сурдилар. Улар: “Рақамли туркий коридор концепцияси”ни ҳаётга татбиқ этиш, Ислом цивилизацияси маркази негизда тарихий манбаларни ягона “катта маълумотлар” (Big Data) платформасига жамлаш, божхонада “E-Permit” электрон тизимини тўлиқ ишга тушириш, экология ва сув ресурсларини бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳамда киберхавфсизлик бўйича ҳамкорликни кучайтиришдир.

Хўш, ўшбу 5 ташаббус замирида қандай стратегик аҳамият ва ҳаётий зарурат ётибди?

“Рақамли туркий коридор концепцияси”: – асрлар давомида минтақаларни боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг рақамли асрадаги янги қиёфаси. Ўзаро товар ва хизматлар ҳаракатини тўлиқ рақамлаштириш савдо-сотиқдаги ортиқча тўсиқлар ва харажатларни кескин камайтиради.

Тарихий манбаларнинг “Катта маълумотлар” (Big Data) платформаси эса миллионлаб ноқир қўлғамалар ва тарихий манбаларнинг рақамлаштирилиши дунё олимлари ва ёшлар учун бебаҳо билимлар хазинасини яратлади. Бу – ўтмиш ва келажакни технология воситасида боғлаш демакдир.

Божхонада “E-Permit” электрон тизими халқро юк ташийшдаги энг катта муаммо бўлган ҳужжатбозлик ва чегаралардаги навбатларга чек қўяди, инсон омилини камайтириб, жараёнларни максимал даражада шаффофлаштиради.

Экология ва сув ресурсларини бошқаришда сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш иқлим ўзгариши шароитида сув захираларини аниқ ҳисоб-китоб қилиш, қуруқчилик хавфини олдиндан прогноزلаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Глобал виртуал макондаги киберхужумлар ва фирибарликларга қарши биргаликда курашиш орқали нафақат стратегик объектлар, балки оддий фуқароларнинг шахсий маълумотлари дахлсизлигини ҳам кафолатлаш кўзда тутилган.

Демак, янги Ўзбекистонда фуқароларнинг рақамли ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган алоҳида мустақил институтларни ривожлантириш ҳаётий ва долзарб зарурат сифатида кун тартибга чиқиши халқимиз манфаати, адолат тантанаси учун хизмат қилади, албатта.

Барча тадбиркорлик субъектлари диққатига!

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси биноси (Чилонзор тумани, “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй) мажлислар залини замонавий услубда таъмирлаш учун қуйидаги ишларни бажариш бўйича тадбиркорлик субъектлари ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

T/p	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Микдори
Материаллар ва ишлар тўлиқ ижрочи томонидан таъминланган ҳолда			
1	Қурилиш чикиндиларини олиб чиқиш		
2	Гипсокартон шифтини демонтаж қилиш	Кв.м	42
3	Девор бўёғини кириб ташлаш (демонтаж қилиш)	Кв.м	93
4	Эшикни демонтаж қилиш	Дона	1
5	Пол қопламасини (таркет/паркетни) демонтаж қилиш	Кв.м	42
6	Гипсокартон (ГКЛ) ўрнатиш	Кв.м	60
7	Шифтини бўяш ишлари	Кв.м	60
8	Ўз-ўзидан текисланувчи пол (наливний пол) ётқизиш	Кв.м	42
9	10 мм ламинат (паркет) ўрнатиш	Кв.м	49,5
10	Декоратив панеллар ўрнатиш	Кв.м	87
11	Декоратив WPC панеллар ўрнатиш	Дона	30
12	Плинтус ўрнатиш	п/м	29
13	Электромонтаж ишларини бажариш	Кв.м	55
14	LED ёритиш тасмаси (подсветка) ўрнатиш	п/м	90
15	Галоген (ёки LED) ёриткичларини ўрнатиш	Дона	35
16	Розетка ва ўчирғичларини ўрнатиш	Дона	15
17	Икки қанотли эшикни ўрнатиш	Дона	1
18	Транспортда етказиш ва бошқа ишлар		

Танловда қуйидаги талабларга жавоб берадиган юридик шахслар иштирок этиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний рўйхатдан ўтган бўлиши;
- қурилиш-таъмирлаш бўйича тажрибага эга бўлиши;
- молиявий ва техник имкониятларга эга бўлиши;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги;
- лицензия ёки рухсатнома талаб этиладиган фаолият турлари бўйича тегишли ҳужжатларга эга бўлиши.

Қуйидаги даъвогарларнинг таклифлари танлов комиссияси томонидан қўриб чиқилмайди ва уларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари тузилган шартнома (битим)лар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган;
- танлов эълон қилингунга қадар таъсис этилганига олти ой бўлмаган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши қўриб чиқилаётган.

Иштирокчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

Танловда иштирок этиш учун ариза; Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси; Тижорат таклифи (нарх, кафолат муддати, бажариш муддати); Илгари бажарилган ўхшаш ишлар тўғрисида маълумотлар; Бошқа зарур ҳужжатлар (танлов ҳужжатларига мувофиқ).

Танлов таклифларини тақдим этиш тартиби ва муддати:

Танлов таклифлари **2026 йил 30 июнь соат 18-00 га қадар**, “Адолат” СДП Сийёси Кенгаши Марказий аппарати биноси (**Манзил: Чилонзор тумани, “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй**)да жойлашган Танлов комиссиясига муҳрланган конвертда топширилади.

Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар қўриб чиқилмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган таъмирлаш ишлари учун танлов 2026 йил 1 июль соат 15:00 да партиянинг Марказий аппарати биносида бўлиб ўтади.

Танловни ўтказиш ва баҳолаш:

Танлов таклифлари нарх, сифат, техник мувофиқлик, кафолат ва бажариш муддатлари асосида баҳоланади. Танлов натижалари бўйича голиб билан белгиланган тартибда шартнома тузилади.

Ёслатма: Тижорат таклифларида етказиб бериладиган тарқатма ва тарғибот-ташвиқот материалларини тайёрлашнинг энг қисқа муддатлари кўрсатилиши шарт. Сифати талабга мос келмаган ва сифат комиссияси қабул қилмаган ишлар учун пул тўланмайди.

Молиялаштириш манбаи: Партиянинг бюджетдан ташқари маблағлари, келгусида маблағларнинг сарфланиши бўйича Ҳисоб палатасининг текшируви бўлиб ўтиши белгиланган.

Буюртмачи томонидан таъмирлаш ишлари ҳажмига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Қўшимча маълумот:

Танлов бўйича қўшимча маълумотларни (71)2884208 (111), (93)2021404 ва (90)1291221 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Эълон берилган сана: 19.06.2026 йил.

Электротартимиз фаолиятидан

САЛОМАТЛИКНИНГ БИРЛАМЧИ ТАЯНЧИ

Бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳар қандай давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан оилавий поликлиникалар тизими тиббий хизмат кўрсатишнинг энг муҳим бўғини сифатида намоён бўлмоқда. Оилавий поликлиникалар нафақат касалликларни даволаш, балки уларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳам катта аҳамиятга эга.



Жаҳонгир ТЎХТАЕВ,
Самарқанд шаҳар
10-сон оилавий
поликлиника мудири

Самарқанд шаҳридаги 10-сон оилавий поликлиникаси 25065 нафар аҳолига бугунги кун талаблари даражасида сифати хизмат кўрсатамоқда.

Худудда олтинчи маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда тўлиқ электрон тизимга ўтказилган. Поликлиникада сўнгги русумааги рентген, улатровуш ва ЭКГ аппаратлари аҳолига сифати хизмат кўрсатамоқда. Электрон лаборатория йўлга қўйилган бўлиб, беморларга ташхис жавоблари электрон хабарнома орқали юборилади. Поликлиникамизда терапевт, педиатр, акушер-гинеколог ва бошқа мутахассислар фаолият юритади. Муҳими, шифокорлар беморни фақат алоҳида касаллик сифатида эмас, балки бутун оила аъзоси сифатида ўр-

ганиб, комплекс ёндашув асосида хизмат кўрсатамоқдалар.

Статистик маълумотларга кўра, бирламчи тиббий ёрдам муассасаларига мурожаат қилувчи беморларнинг тахминан 70–80 фоизи айнан оилавий поликлиникалар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса уларнинг аҳоли ҳаётидаги ўрни ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади. Шунингдек, сўнгги йилларда профилактика тадбирларининг кучайтирилиши натижасида юрак-қон томир, қанди диабет каби сурункали касалликларнинг эрта аниқланиши 20–25 фоизга ошгани кузатиламоқда.

Оилавий поликлиника фаолиятини инсон ҳаётида ишонч ва умид манбаи сифатида таърифлаш мумкин. Бу ерда шифокор нафақат мутахассис, балки масаҳатчи, руҳий таянч ва баъзан энг яқин инсонга

айланади. Бу жараёнда оилавий поликланикалар аҳоли учун ягона тиббий маскан бўлиб хизмат қилади. Улар нафақат беморларни даволайди, балки аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради, эмлаш тадбирларини ташкил қилади ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этади.

Шифокор ва ҳамшираларимиз ҳар бир хонадонда бўлиб, саломатлик инсоннинг ўз кўлида эканлигини уқитиб келишмоқда. Ходимларимиз ўз тиббий малакаларини доимо ошириб, илгор замонавий технологиялар билан ишлаш салоҳиятларини ҳам ошириб боришмоқда. Буларнинг барчаси аҳолига сифати хизмат кўрсатишга қаратилган.

Инсон саломатини – энг катта бойлик, бу йўлда хизмат қилиш бизнинг шарафли вазифамиздир.

МУНДИАЛГА WORLD CUP 2026

ОЛИБ БОРГАН ИРОДА



Ҳаётда шундай онлар бўладики, улар бутун бир авлоднинг хотирасида муҳрланиб қолади. Бу лаҳзалар инсон қалбида орзуларнинг ҳақиқатга айланганини, сабрнинг самара берганини ва ироданинг ҳар қандай тўсиқдан устун келишини исботлайди. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионатида йўлланма олиши ана шундай тарихий воқеалардан бири бўлди.

Буюк мутафаккир Жалолиддин Румий шундай деган эди: “Ҳаётда мақсадга эришиш учун уч нарса керак; диққат, интизом ва ҳаракат”. Бу ҳикмат фақат инсон ҳаётига эмас, балки миллатлар ва жамоалар тақдирига ҳам тегишли. Чунки ҳар қандай буюк ғалаба инсоннинг қўрқувлари, шубҳа ва ишончсизлиги устидан қозонилган ғалабадир.

Ўзбекистон миллий терма жамоасини мундиалга олиб борган ғалабаси ҳам ана шундай ирода ғалабаси бўлди. Бу муваффақият темир интизом, тинимсиз ҳаракат мевасидир. Ишончсизликни енгиш,

ҳар сафар миллионлаб мухлисларнинг ярим йўлда қолиб кетган орзуларини яна уйғотиш натижаси эди бу.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин футбол халқнинг энг севимли спорт турларидан бирига айланди. Ҳар бир саралаш босқичи бошланганда миллионлаб юртдошлар қалбида битта орзу уйғонарди: “Балки бу сафар...”

Мухлислар ҳал қилувчи ўйинларнинг сўнгги дақиқаларида йўқотилган имкониятларни кўрди. Улар халқнинг қалбига ботган аламга айланди. Шундай кунлар бўлдики, майдондан чиқиб кетаётган одамларнинг юзида аламли сукут ҳукм сурди. Йиллар давомида “мундиал” деган сўз ўзбек мухлиси учун бир вақтнинг ўзида ҳам орзу, ҳам армон маъносини англатди.

Ҳар бир бой берилган имконият кейинги қадам учун сабоққа айланди. Ҳар бир мағлубият янги авлод футболчиларини шакллантирди, тоблади. Ҳар бир оғриқли кеча янги умид тонгига етаклади.

ВАЗИЯТ ЎЗГАРДИ

Тан олиш керак, ғалаба умиддан кўра орзуга ўхшарди. Бугун эса вазият ўзгарди. Ўзбекистон футболчи ўз салоҳиятини намоён қилди. Миллий терма жамоа халқаро майдонда ўз сўзини айтди. Энди майдондаги рақиблар ҳам Ўзбекистонга бошқача назар солади. Бу ўзгариш фақат спорт майдонида эмас, халқимиз руҳиятида ҳам сезилди. Чунки ҳар бир муваффақият жамиятнинг ўз кучига бўлган ишончини янада оширади. Инсонларга “Биз уддалаймиз”, деган туйғуни беради.

ҲАҚИҚИЙ СИНОВ БОШЛАНДИ

Тарихий натижага эришиш қанчалик муҳим бўлса, уни сақлаб қолиш ҳам шунчалик аҳамиятлidir. Шунинг учун жаҳон чемпионатидаги учрашувлар терма жамоамиз учун янги имтиҳонларга тўла бўлади. Аммо айнан шундай имтиҳонлар жамоанинг ҳақиқий характери намоён қилади. Бугунги муваффақият тасодиф эмаслигини исботлаш учун янада кўпроқ интизом, ҳаракат талаб этилади. Чемпионатдаги ҳар бир дақиқа, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир кураш мамлакатимиз тарихининг бир қисмига айланади. Ғалаба эса эртанги авлод учун ёқилган машъаладир.

Бугунги мундиал бир ҳақиқатни ёдга солди. Буюк натижалар бир кунда яратилмайди. Улар йиллар давомида қилинган меҳнат, шакланган сабр, интизом ва ишонч махсулидир. У ироданинг қудрати ҳақидаги ҳаётий дарсдир. Бизни мундиалга олиб борган куч ҳам ирода кучи эди.



СЎНГ СЎЗ: Кеча бўлиб ўтган илк учрашув – Ўзбекистон-Колумбия баҳсини нафақат ўзбекистонликлар балки, бутун дунё мухлислари диққат ва ҳаяжон билан кузатишди.

Ўзбекистон 1:3 ҳисобида ютказган бўлса-да, аммо бу “жанг”да обрў, тажриба ва ишонч ютиб олинди. Бу ўйинни мағлубият эмас, синов, деб баҳоласак тўғрироқ бўлади.

Бу баҳсда энг кучли, тажрибали ва агрессив жамоалардан бири бўлган Колумбияга қарши тенга-тенга курашдик. Айрим палларда ташаббусни қўлимизга олдик. Айрим ҳолларда...

Ҳали олдинда учрашувлар бор, имкониятлар бор. Демак, биз жамоамиздан шов-шувли ғалабалар кутиб қоламиз.



ГУРУҲ БОСҚИЧИ ВА ПЛЕЙ-ОФФНИНГ БАРЧА БОСҚИЧЛАРИ ТАҚВИМИ

(Диққат: Барча учрашувлар вақти Тошкент вақти (UZT) билан кўрсатилган)

19 ИЮНЬ

00:00. Швейцария — Босния и Герцеговина.

03:00. Канада — Қатар.

06:00. Мексика — Жанубий Корея.

20 ИЮНЬ

00:00. АҚШ — Австралия.

03:00. Шотландия — Марокаш.

06:00. Бразилия — Гаити.

09:00. Туркия — Парагвай.

22:00. Нидерландия — Швеция.

21 ИЮНЬ

01:00. Германия — Кот-д'Ивуар.

05:00. Эквадор — Кюрасао.

09:00. Тунис — Япония.

21:00. Испания — Саудия Арабистони.

22 ИЮНЬ

00:00. Бельгия — Эрон.

03:00. Уругвай — Кабо-Верде.

06:00. Янги Зеландия — Миср.

22:00. Аргентина — Австрия.

23 ИЮНЬ

01:59. Франция — Ироқ.

05:00. Норвегия — Сенегал.

08:00. Иордания — Жазоир.

22:00. Португалия — Ўзбекистон.

24 ИЮНЬ

01:00. Англия — Гана.

04:00. Панама — Хорватия.

07:00. Колумбия — ДР Конго.

3-ТУР

25 ИЮНЬ

00:00. Швейцария — Канада.

00:00. Босния ва Герцеговина — Қатар.

03:00. Шотландия — Бразилия.

03:00. Марокаш — Гаити.

06:00. Чехия — Мексика.

06:00. ЖАР — Жанубий Корея.

26 ИЮНЬ

01:00. Эквадор — Германия.

01:00. Кюрасао — Кот-д'Ивуар.

04:00. Тунис — Нидерландия.

04:00. Япония — Швеция.

07:00. Туркия — АҚШ.

07:00. Парагвай — Австралия.

27 ИЮНЬ

00:00. Норвегия — Франция.

00:00. Сенегал — Ироқ.

05:00. Уругвай — Испания.

05:00. Кабо-Верде — Саудия Арабистони.

08:00. Янги Зеландия — Бельгия.

08:00. Миср — Эрон.

28 ИЮНЬ

01:59. Панама — Англия.

01:59. Хорватия — Гана.

04:30. Колумбия — Португалия.

04:30. ДР Конго — Ўзбекистон.

07:00. Иордания — Аргентина.

07:00. Жазоир — Австрия.

ПЛЕЙ-ОФФ

1/16 финал: 28 июндан 4 июлгача

1/8 финал: 4 июлдан 7 июлгача

1/4 финал: 9 июлдан 12 июлгача

ЯРИМ ФИНАЛЛАР:

15 июль соат 00:00 да ва 16 июль соат 00:00 да

учинчи ўрин учун БАҲС:

18 июль соат 01:59 да

ФИНАЛ: 19 июль соат 00:00 да.



АЧЧИК, АММО
ОЧИК ГАПЛАР



ШИРКАТ

фақат пул йиғадими?

Бугун уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти ҳақида гап очсангиз, кўпчиликнинг тепа сочи тик бўлиши аниқ. Битта-иккитасини инobatга олмаганда, аксариятининг фаолиятдан одамлар норози.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
журналист

Гагарин кўчаси Самарқанд шаҳрининг қоқ маркази. Бу ердан ҳар кун миғлаб одамлар, сайёҳлар ўтади. Шу йўл ёқасида 3 қаватли 34-уй жойлашган. Рўпарасида банк, чет тиллар институти фаолият юритади. Суратларга разм солинг. Уйнинг нураб ётган ушбу деворларини кўрганимга 3 йилдан ошди. Ўтган йилларда ширкатга буни бартараф этиш масаласида бир неча бор айтганман, лекин натижа йўқ. Ёмғир ёққанда тарновдан тушаётган сувлар ҳам деворларга дарз етказмоқда. Ариқлар деярли тозаланмайдими, уй ёни чиқиндиҳонага айланиб кетган.

Санайверсангиз бу каби муаммолар талайгина. Хўш, ҳар ой тўловларни кўртдек ундириб олаётган шир-

кат бунга эътибор қаратиши керак эмасми? Агар ширкатдан қарздорлик мавжуд бўлса, уй соҳиби электр энергия учун тўлов қилолмаслиги мумкин. Хонадон эгаларининг имкониятларини чеклаш ваколатига эга бўлган ширкат ўз мажбуриятларини нега тўлақонли бажармайди? Ёки насиани ширкатларга чиқарганми? Аҳолидан тўловларни йиғиб олаётган ширкатлар фаолиятини ким назорат қилади?

Ширкатлар ўз мажбуриятларини батамом унутишган, улар мулкдорлар олдида ҳисобот беришмайди. Маблағлар нима мақсадларга сарф қилинаётганини сир тутишади. Бу ҳақда ҳам саволлар ва мисоллар жуда кўп.

Келинг, фикримизга аниқлик киритайлик. Гагарин кўчасидаги 34-уйга аввал "Самарқанд уй-жой таъмир" МЧЖ хизмат кўрсатган. Ўша пайтда ишлар ҳарна бирнав эди, дейишди шу ерда яшовчилар. Кейин эса бу ширкатни ҳам "Био тех сервис" МЧЖ кўлга киритди. Ушбу ширкат Кимёгарлар кўргонининг катта қисмига ҳам хизмат қилади. Лекин бирор жўяли иш қилганини билмаймиз. Бир неча бор кўнғироқ қилиб раҳбарларини изладик, келиб халққа ҳисобот беришини сўрадик, Азиз исмли диспечер йигитга телефон қилиб вазиятни айтиш чарчадик.

Ушбу ТАШКИЛОТНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМ ТЕЗ-ТЕЗ ЎЗГАРИБ ТУРАДИ. Уларнинг ҳисоб рақами Андижон вилоятида экан. Ўшанда ҳайрон бўлгандик, Самарқандда яшовчи аҳолидан тушаётган пуллар бошқа вилоят ҳисоб рақамида тўпланса? Вилоят ҳокимлиги курилиш бошқармаси ҳам буларга гап уқтира олмаганди.

Қорасувда "Янги уйлар сервис" номи ширкат фаолият юритади. Ҳамма аъзолари телеграмм каналига улланган. Ҳар кунлик иши тўғри-



Суратларга разм
солинг.

Уйнинг нураб
ётган ушбу
деворларини
кўрганимга 3 йилдан ошди.
Ўтган йилларда ширкатга
буни бартараф этиш масаласида
бир неча бор айтганман,
лекин натижа йўқ.
Ёмғир ёққанда тарновдан
тушаётган сувлар ҳам
деворларга дарз етказмоқда.
Ариқлар деярли тозалан-
майди, уй ёни чиқиндиҳонага
айланиб кетган.

сида маълумот жойлаштириб боради. Подъезлар тоза. "Био тех сервис" МЧЖ нега бундай ишларни қилмайди, нега фақат аҳолидан пул йиғиш билан шуғулланади.

Хўрматли мутасаддилар, сизлардан ушбу масалага эътибор қаратишларингизни сўраймиз.

Таклиф

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ учун ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ БЕПУЛ бўлиши керак

Фаррух АБДУҲАМИДОВ,
халқ депутатлари
Арнасой туман Кенгаши депутати

Кундалик ҳаётимизда мактаб ўқувчиларининг жамоат транспортдан (автобус, метро) фойдаланиши оддий ҳолга айланган. Жорий йилнинг 2 сентябридан республика бўйлаб мактаб ўқувчилари учун жамоат транспортдан фойдаланишни бутунлай бепул қилиш лозим.

Бу нима учун керак ва қандай фойда келтиради? Республика миқёсида олиб қараганда, кундалик жамоат транспортдан доимий фойдаланадиган ўқувчилар сони у қадар катта фоизни ташкил қилмайди (кўпчилик мактаблар маҳалла ичида жойлашган). Шу боис, уларга бепул юриш ҳуқуқини бериш автобус ёки метро йўналишларига ортиқча босим ёки оғирлик олиб келмайди.

Бир оилада 2-3 нафар мактаб ёшидаги бола бўлса, уларнинг йўлқираси ота-оналар учун сезиларли харажатга айланади. Бу таклиф оилаларнинг ижтимоий ҳолатини энгиллаштиради.

Шунингдек, болаларнинг мактабга ва тўғарақларга қатнаши осонлашади. Энг муҳими, уларда ёшлигидан жамоат транспортдан фойдаланиш маданияти шаклланади.

Агар жамоат транспорти ўқувчилар учун қулай ва бепул бўлса, кўплаб ота-оналар фарзандларини машинада мактабга олиб бориб қўйишдан воз кечишади. Бу эса мактаблар атрофидаги эрта-лабки тирбандликни сезиларли даражада камайтиради.



Мулоҳаза

ЭРКИНЛИК ДЕГАНИ тарбиясизлик дегани эмас-ку!

Яқинда пойтахтда ўтказилган "Пиво фестивали" ортидан ижтимоий тармоқларда тарқалган Самарқанд вилоятидаги "кўпикли байрам" лавҳалари кўпчиликни ҳайратга солди. Ярим-яланғоч кўринишлар, ҳаё чегараларини менсимаслик, бундай ҳолатларнинг қаҳрамонлик ёки замонавийлик сифатида намоиш этилиши жамиятнинг соғлом фикрловчи қатламини бефарқ қолдирмаяпти.

Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
"Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши
матбуот котиби

Ахир эркинлик дегани тарбиясизлик, дегани эмас-ку! Замонавийлик дегани миллий қадриятлардан воз кечиш, дегани эмас-ку! Ривожланиш дегани маънавий чегараларни бузиш, дегани эмас-ку! Бугун ижтимоий тармоқларда кўрилатган айрим ҳолатлар ёшлар онгига қандай таъсир ўтказмоқда? Эртага бугунги мактаб ўқувчиси ёки талаба ана шундай манзараларни оддий ҳол сифатида қабул қилмайдими? Ҳаё ва иффат ҳақидаги тушунчалар қадрсизланиб кетмайдими? Оила институти заифлашмайдими?

Миллатнинг келажиги фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки унинг маънавий муҳити билан ҳам белгиланади. Агар жамиятда уят ҳисси йўқолса, ор-номус қадрсизланса, тарбия иккинчи даражага тушиб қолса, бу ҳолат ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Оилавий ажримлар кўпайиши, ёшлар тарбиясида бўшлиқлар пайдо бўлиши, маънавий инқироз хавфи кучайиши мумкин.

Энг ачинарлиси, бу каби ҳолатлар юзасидан жамоатчиликнинг ҳақли саволларига жавоб бериши керак бўлган масъуллар кўпинча сукут сақлайди. Қани катталар? Қани маънавият ҳақида минбарларда гапирадиганлар? Қани ёшлар тарбияси учун жавобгар ташкилотлар? Қани расмий муносабат?

Нега миллионлаб инсонлар муҳокама қилаётган масалалар юзасидан тушунтириш берилмайди? Нега миллий қадриятларга дахлдор масалаларда фақат оддий фуқароларнинг овози эшитилади? Бугунги сукут эртанги муаммоларнинг сабабчиси бўлиб қолмасин. Чунки тарбия бир кунда бузилмайди, қадриятлар ҳам бир кунда йўқолмайди. Уларга нисбатан бефарқлик йиллар давомида жамиятни секин-аста ичидан емириб боради.

Биз ҳеч кимнинг шахсий ҳаётига аралашмоқчи эмасмиз. Биз тараққиётга ҳам қарши эмасмиз. Аммо тараққиёт билан тубанликнинг, эркинлик билан масъулиятсизликнинг, маданият билан ҳаёсизликнинг ўртасидаги фарқни унутмаслигимиз керак. Чунки миллатнинг ҳақиқий бойлиги унинг бинолари ёки фестиваллари эмас. Миллатнинг ҳақиқий бойлиги – унинг ор-номуси, оиласи, тарбияси ва маънавиятидир.

Агар шу бойлиқни йўқотсак, бошқа барча ютуқларнинг қадри қолмайди. Шундай экан, ҳар биримиз ўзимизга бир савол берайлик: фарзандларимизга қандай жамиятни мерос қилиб қолдирмоқчимиз? Ҳаё ва иффат қадрланган жамиятими ёки ҳар қандай чегаралар бузилиши оддий ҳолга айланган муҳитими?

Бу саволга жавоб бериш вақти аллақачон келган.

Ҳикмат

Ризо – бу шодликдир. Яъни, Ҳақ таоло томонидан неки бало ва қулфат етса, бунга хушнуд бўлади ва кўнглимиз бу балоларга қарши эътироз қилмайди, чунки балолар дўстдан келгандир.

Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний

Аччиқ сув ҳам тиниқдир, ширин сув ҳам. Асло зоҳирий кўринишига алданиб қолма! Ташқи кўринишда ҳар ким ҳам инсон!

Жалолиддин Румий

"Адолат" социал-демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши ва Хоразм Маъмун академияси партия фаоли. Хоразм Маъмун академияси ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими бошлиги, филология фанлари доктори (DsC)

Рауфжон МАҲМУДОВнинг
вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

ADOLAT

Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исроҳ ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРПИБОЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамом Йўлдошев
Масъул котиб – Абдугани Содиков



Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани "Шарк тонги" кўчаси, 23-уй.

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Оффсет усулида босилган. Буюртма Г – 601

Адади – 4 020
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарк" НМАК босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!